

**2026 йилнинг 1-ярмида Фарғона тумани халқ билан мулоқот ва
муурожаатлар билан ишлаш ҳолати бўйича**

МАЪЛУМОТ

I. Муурожаатлар билан ишлаш ҳолати

Фарғона туманида яшовчи аҳолидан Президент Халқ қабулхоналарига **2 мингта** муурожаат тушган бўлиб, ўтган йил мос даврига нисбатан **70 фоизга ошган** (ўтган даврнинг мос даврида **1,2 мингта** муурожаат келиб тушган).

Муурожаатлар жами **1,2 минг нафар** фуқародан тушган бўлиб, уларнинг:

- **730 нафари** хотин-қизлар;

- **262 нафари** 31 ёшгача бўлган фуқаролар.

Муурожаатчиларнинг **356 нафари 3-10 марта, 14 нафари 10-25 марта, 4 нафари 25** ва ундан ортиқ муурожаат қилган.

Фарғона тумани бўйича энг кўп қуйидаги маҳаллалардан муурожаат тушган:

(а) жами масалаларнинг қарийб **85 фоизи (1 697 таси) 14 та** ташкилот ҳиссасига тўғри келади (*ижтимоий ҳимоя – 246 та, энергетика – 229 та, МИБ – 224 та, ички ишлар – 178 та, ҳокимлик – 148 та, соғлиқни сақлаш – 116 та, прокуратура – 98 та, бандлик – 78 та, банклар – 78 та, судлар – 73 та, оила ва хотин-қизлар – 64 та, кадастр – 61 та, маҳаллалар уюшмаси – 58 та, мактабгача ва мактаб таълими – 46 та*).

(б) Туманда ҳуқуқ-тартибот (**413 та**), нафақа, моддий ёрдам ва пенсия (**282 та**), алимент ва ижро иши юритиш (**216 та**), газ таъминоти (**140 та**), содир этилган ҳуқуқбузарлик ва фирибгарлик (**139 та**), кредит, пластик карталар, банкоматлар (**91 та**), ходимлар хатти-ҳаракатлари (**85 та**), электр тармоқлари (**81 та**), раҳбарлар қабули сўровлари (**57 та**), тиббий ёрдам учун моддий ёрдам (**57 та**), уй-жой таъминоти (**53 та**) соҳаларига оид масалалар долзарб бўлиб турибди.

2025 йилнинг мос даврига нисбатан:

Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатлари устидан **10 баравардан зиёд**га (2026 йили – **34 та** муурожаат);

Содир этилган ҳуқуқбузарликка оид масалалар **6 бараварга (36 та)**;

Электр тармоқлари объектларини (сим устун, трансформатор пункти) қуриш, таъмирлаш, ўзгартириш **6 бараварга (23 та)**;

Табиий газ (босими) таъминотидаги муаммолар **5 бараварга (58 та)**;

Ижро ҳужжатлари бўйича қарз ундириш **5 бараварга (40 та)**;

Электр таъминотидаги узилишлар **288 фоизга (31 та)**;

Суриштирув, терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатларига оид масалалар **2 бараварга (33 та)**;

Муҳтожларга бир марталик моддий ёрдам **2 бараварга (47 та)**;

Оилавий низолар ва келишмовчиликлар **145 фоизга (27 та)** мурожаат);

18 ёшгача болалар нафақаси **124 фоизга (170 та)** ошган.

Аниқ масалалар кесимида энг кўп учрайдиганлари: 18 ёшгача болалар нафақаси (**170 та**), алимент ундиришга оид масалалар (**139 та**), табиий газ (босими) таъминотидаги муаммолар (**58 та**), муҳтожларга бир марталик моддий ёрдам (**47 та**), ижро ҳужжатлари бўйича қарз ундириш (**40 та**).

(в) жамоавий мурожаатлар сони — **33 та**.

Уларда асосан газ, электр, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти, оқова сув тизими соҳаси (**12 та**), шунингдек ҳуқуқ-тартибот ва қишлоқ-сув хўжалигига оид масалалар (ҳар бирида **4 та**дан) кўтарилган.

(г) такрорий мурожаатлар сони **294 та** бўлган, **122,7 фоизга** ортган (ўтган йилнинг мос даврида **162 та**) (жами мурожаатларнинг **15,1 фоиз**ини ташкил этади).

Такрорий мурожаатлар энг кўп — "Янги аср" (**21 та**), "Лангар" (**18 та**), "Шифокор" (**14 та**), "Кончилар" (**11 та**), "Қўрғонтепа" (**11 та**), "Бирдамлик" (**11 та**) МФЙларидан келиб тушган.

(д) давлат хизматчилари фаолияти ва хатти-ҳаракатлари юзасидан **85 та** шикоят тушган бўлиб, асосан маҳалла раислари (**17 та**), профилактика инспекторлари (**8 та**), соғлиқни сақлаш ходимлари (**7 та**), ички ишлар органлари ходимлари (**5 та**) ва ичимлик суви таъминоти ходимлари (**5 та**) хатти-ҳаракатлари бўйича шикоятлар келган.

(е) Фарғона тумани бўйича мурожаатларни ижобий ҳал этиш кўрсаткичи — **35,1 фоиз** (кўриб чиқилган **1 881 та** масаладан **661 таси** ижобий ҳал қилинган).

Мурожаатларнинг асосий қисми Ишонч телефони орқали — **1 415 та (70,5 фоиз)**, веб-сайт орқали — **258 та (12,9 фоиз)**, Халқ қабулхонаси орқали — **251 та (12,5 фоиз)** қабул қилинган.

II. Шахсий ва сайёр қабуллар

Раҳбарлар қабули сўрови – **8 та**, шундан **5 таси** вилоят ҳокими қабули сўрови масаласида (бу масала **19,4 фоизга** ошган).

Президент қабули сўрови бўйича келиб тушган **2 та** мурожаатнинг **2 таси** кўриб чиқилган, **1 таси** ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал қилинган, **1 таси** тушунтириш берилган.

Шу жумладан, июнь ойида келиб тушган **1 та** мурожаат бўйича вилоят ҳокимлигига ҳужжатлар тайёрлаб берилган, **1 та** мурожаат бўйича вилоят ҳокими қабул қилган.

Ўтказилиши белгиланган **104 та** сайёр қабул **тўлиқ** ўтказилган, шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарларининг июнь ойида режалаштирилган **21 та** шахсий қабулининг **19 та**си ўтказилган.

Фарғона тумани ҳокими ва шаҳар ҳокими ўринбосари – туман ҳокимининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосари белгиланган **2 та** шахсий қабулини ўтказмаган.

III. Халқ қабулхонасининг таъсир чоралари

Туман Халқ қабулхонаси жорий йилнинг 1-ярмида **4** та тақдимнома, **8** та кўрсатма ва **3** та маҳаллий кенгашга ахборот киритилган.